

## УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНАЁТГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ва «Нуроний» жамғармаси мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишларга барча юртдошларимизни даъват этиб, Мурожаат билан чиқди

**17 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ва «Нуроний» жамғармаси мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишларга барча юртдошларимизни даъват этиб, Мурожаат билан чиқди.**

Унда Федерация ва «Нуроний» жамғармаси фаоллари, масъул раҳбарлари қатнашди. Шунингдек, Федерациянинг ҳудудий кенгашлари, жамғарманинг ҳудудий ва туман-шаҳар бўлиmlари видеоконференция алоқа орқали иштирок этишди.

Йиғилишни олиб борган Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ўз сўзида бугун юртимиз Президентимиз томонидан дунё сиёсати луғатига киритилган «Янги Ўзбекистон» номи ва ғояси остида қайта танилаётганини ва қаддини кўтариб, ўзининг шонли тарихига мос ва хос тарзда халқаро майдонга кириб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Қайд этилганидек, ўтган қисқа фурсатда Ўзбекистонда мисли кўрилмаган янгиликлар рўй берганига ҳам ҳаммамиз гувоҳимиз. Бунёдкорлик, тараққиёт ва ҳар соҳада ривожланиш мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга ва халқимизнинг турмушини тубдан ўзгартиришга замин яратмоқда.

2020 йилда Президентимиз томонидан илгари айтишга жазм қилинмаган, тан олинмаган, бироқ халқимизни қийнаб келатган камбағаллик ва унинг иқтисодий чегаралари очик эълон қилиниб, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида кенг қўламли ҳаракатлар бошланди. Ҳанда 7,5 миллион нафар киши ёки аҳолининг 23 фоизи даромади камбағаллик чегарасидан пастда эди. Ҳтган 4 йил давомида

амалга оширилган салмоқли ишлар натижасида 2023 йил якунига кўра, мамлакатимизда камбағаллик даражаси аҳоли сонига нисбатан 23 фоиздан 11 фоизга тушди.

Давлатимиз раҳбари раислигида яқинда камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида мана шу эзгу ишлар давомийлиги янада мустаҳкамланди. Яъни, Президентимиз ушбу йиғилишда камбағалликни қисқартиришни умуммиллий ҳаракатга айлантириш бўйича янги ташаббусларни билдирди.

Қўшма йиғилишда бу борада амалга оширилаётган ишларга камарбаста бўлиш мақсадида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ва «Нуроний» жамғармаси ўз зиммасига аниқ вазифаларни белгилаб олган ҳолда, биргаликда Ўзбекистон халқига мурожаат билан чиқиш таклифи илгари сурилди.

Барча юртдошларимиз, халқимизнинг илғор фикрли зиёлилари, тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари, касабаси уюшмалари фаоллари ҳамда нуронийларни камбағалликка қарши кураш бўйича умуммиллий сафарбарликка қорлаган мазкур Мурожаат йиғилиш иштирокчилари томонидан кизгин қўллаб-қувватланди ва бир овоздан маъқулланди.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА  
«ISHONCH»



▶ Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,  
«Нуроний» жамғармаси раиси биринчи ўринбосари:



– Камбағаллик мамлакат миқёсидаги энг долзарб, асосий масала ҳисобланади. Ишсизлик бугун пайдо бўлиб қолган эмас. Камбағалликка қарши курашар эканмиз, аввало, ишсизлик даражасининг илдизи, сабаблари билан курашиш керак, деб ўйлайман.

Бугун биз ҳам бу масалаларда Президентимиз ёнида туриб, эзгу ташаббусларни амалга оширишга қўмақлашимиз зарур. Камбағалликка қарши курашни мана шу Мурожаатдан бошлаяпмиз. Энди уни кенг тарғиб қилиш ва барчани фаолликка қорлаш лозим бўлади. Мамлакатнинг энг қудратли ташкилотлари, кучлари бор. Қолаверса, публицистлар, журналистларни бу ишларга жалб қилиш ўзининг юксак самараларини беришига ишонаман.

▶ Икромхон НАЖМИДДИНОВ,  
«Нуроний» жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси, сенатор:



– Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк давриданоқ бутун фикру зикрини одамлар ташвиши, турмуш шароитини яхшилашга қаратди. Уларнинг ташаббуси билан ташкил этилган «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»нинг мақсади оилаларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш билан бирга, халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилди.

Камбағаллик даражаси очикланиб, уни қисқартириш бўйича ишлар бошланганда бутун халқ буни қўллаб-қувватлади, одамлар қувониб, дуо қилишди.

Оилаларни камбағалликдан чиқариш бу шунчаки осон иш эмас. Бойси йилдан-йилга янги оилалар пайдо бўлади, ҳаммаси ҳам бирдан оёққа туриб кетолмайди. Бугунги Мурожаатномада белгиланаётган тадбирлар ана шу ҳаракатга янада қувват бўлади.



Эъзоза УМРЗОКОВА олган суратлар

▶ Улугбек ЖАЛМЕНОВ,  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши раиси, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, сенатор:



– Камбағалликни кескин қисқартириш бўйича Президентимиз ташаббусларини ҳаммамиз қўллаб-қувватлаймиз. Касабаси уюшмалари ҳам бу борадаги амалий ишларни умуммиллий ҳаракатга айлантиришга оид муҳим чора-тадбирларни белгилаб олди. Мурожаат мана шу вазифаларни амалга оширишнинг механизми эканини айтиб ўтиш лозим.

Албатта, бу йўлда қайси касб эгаси, қайси соҳа вакили бўлишимиздан қатъи назар, бирлашиб, юртимизни обод ва фаровон мамлакатга айлантирайлик, деган қақриққа лаббай, деб жавоб беришимиз керак.

▶ Назира ТОҒАЕВА,  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси:



– Мурожаат шунчаки қақриқ эмас, балки ҳамкорликда тизимли амалга оширадиган ишларимиз учун қўллаб-қувватлаш лозим эканини таъкидлаш лозим. Унда янги чараш, янги ғоя ва янги режалар, истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган муҳим ва долзарб вазифалар, Ватан равнақи ва халқимизнинг фаровонлигига дахлдор амалий ҳаракатларни кўрдик.

Мурожаатда амалга ошириш зарур бўлган энг муҳим ислохотлар илгари сурилган. Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистон тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

▶ Рустам ХОЛМУРОДОВ,  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши аъзоси, Самарқанд давлат университетининг ректори, сенатор:



– Камбағалликни қамайтириш учун жуда катта матонат керак. Бу борада Юртбошимизга мададкор бўлмасак, бу жараёнлар чўзилиши мумкин. Мурожаатни қўллаб-қувватлаган ҳолда, барча олий таълим муассасалари, жумладан, бизнинг университетимиз ақли ҳам уни нафақат тарғиб қилиш, балки белгиланган вазифалар ижросига қўмақдош бўлишга ҳаракат қилади.

▶ Насиба АТАМУРОВА,  
Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги «Шарқамиш» маҳалласида яшовчи фуқаро, тадбир қатнашчиси:



– Мен ҳам ушбу Мурожаат халқимизни бирлаштиришига, ҳамюртларимиз яқдил ва ҳамфикр бўлиб, фаровонлик сари янада дадил қадам ташлашига ишонаман. Бундан 4 йил олдин дунё кўзимга қоронғи кўриниб, қайси оstonага бош уришни билмай юрган кунларимда масъуллар келиб, яшаш шароитини ўрганишди. Ҳта камбағаллигим, 2 нафар туғма ногирон фарзандим билан оғир шароитда ҳаёт кечираётганимни ҳисобга олиб, «Аёллар дафтари»га киришди.

Одам уй дейишга ҳам ийманадиган қулбада яшаётганимни кўриб, менга замонавий уй қуриб беришни айтишганида, тўғриси, ишонмагандим.

Ҳозир маҳаллада ҳамма ҳавас қиладиган уйим бор. Илгари болаларимнинг соғлиги туфайли бир жойда ишлашга имкон йўқ эди. Қўлимда ҳунарим борлигини ҳисобга олиб, менга тикув машинаси берилди, энди ишли ҳам бўлдим.

Бугун мен ҳаётдан розиман. Ҳозир Мурожаатни эшитар эканман, мен каби кўлаб аёлларнинг, кўнгли, ҳаёти кемтик инсонларни ўйлаб қилинаётган ишлар қўлаи янада ортаётганини англадим, эзгу ишлар бардавом бўлишига ишондим.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА НУРОНИЙЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА НУРОНИЙЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Қадри ватандошлар!

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз давлат мустақиллигининг 33 йиллигини кенг нишонлаб, ана шу даврда босиб ўтган ғоят мураккаб ва шарафли йўлда эришган ютуқ ва марраларини чуқур таҳлил ва сарҳисоб этиб, янада улкан вазифаларни белгилаб олаётган мана шу шуқуқли кунларда қалбларимизда Ватанга меҳр ва ифтихор, ўз куч ва имкониятларимизга ишонч туйғуси янада кучаймоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси амалда қандай улкан натижалар бераётганини ҳар биримиз ўз ҳаётимиз ва фаолиятимизда яққол кўриб, ҳис этиб келмоқдамиз.

Қисқа муддатда мамлакатимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар йўналишлардаги тараққиёт суръатлари кескин ўзгариб, янгича сифат ва мазмун касб этиб, беқиёс кудрат ва шиддатга эга бўлиб бормоқда.

Энг муҳими, юртимизда давлат ва жамият таянчи бўлган халқимизга, унинг бунёдкорлик салоҳиятига муносабат тубдан ўзгарди.

Инсон, унинг эркин ва фаровон ҳаёти барча ислохотлар марказида турадиган бош мақсадга айланди. Инсон қадрини, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш Конституция ва қонунларимиз даражасида қатъий қоида сифатида мустақамланиб, барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари, раҳбар ходимлар фаолиятининг асосий мезони бўлиб бормоқда.

Иқтисодиётимизга жаҳон миқёсида устувор тенденцияга айланаётган рақамли ва «яшил» технологиялар жадал кириб келмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик мисли кўрилмаган даражада ривожланмоқда.

Дунёда ва минтақамизда дўстларимиз ва ҳамкорларимиз кўпайиб, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-этибори муттасил юксалиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси ҳаётимизнинг турли хил соҳаларида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган амалий натижалар бермоқда.

Ватанимиз ҳар томонлама тараққий этган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсон эркин яшаб, меҳнат қиладиган, замонавий билан ва касб-ҳунарга эга фарзандларимиз ўз бахтини айнан шу заминда топадиган, дунёдаги энг гўзал, тинч ва фаровон мамлакат бўлишини барчамиз орзу қиламиз ва шу мақсад йўлида бутун борлиғимиз билан ҳаракат қилишга тайёремиз.

Давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган кенг қўламли, оқилона сиёсати, амалга ошираётган ислохотлари ана шу эзгу мақсадга қаратилгандир.

Шу йўлда Юртбошимизга камарбаста бўлиш – бу барчамиз интилаётган келажакни, оиламиз, фарзандларимизнинг бахту саодатини таъминлашнинг энг муҳим шарт ва гаровидир.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз сиз, азизларга ана шундай эзгу даъватлар билан муружоат қилар эканмиз, муҳтарам Президентимиз томонидан Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг ажралмас бир қисми сифатида илгари сурилаётган ва кейинги йилларда махсус давлат дастури асосида амалга оширилаётган камбағалликни қисқартириш масаласига алоҳида эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан юртимиз аҳолисининг муайян қисми ўртасида камбағаллик борлигини эътироф этиб, мамлакатимизда бу муаммони ҳал этишга қарор қилинганини жаҳон ҳамжамиятига эълон қилган эди.

Бу, ҳеч шубҳасиз, халқимизга бўлган юксак меҳр ва ғамхўрлик, Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига кўтариш йўлидаги қатъий ҳаракатларнинг яна бир ифодаси эди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш-

дек тарихий миссияни зиммасига олган халқимиз етакчиси, аввало бу мақсадлар йўлида аҳолининг кам таъминланган қатлами турмуш шароитини яхшилаш, унинг ҳаётдан рози бўлиб, бахтли яшашини, ўзининг энг олий мақсади қилиб белгилагани миллатимиз бахти эмасми?

Барчамизга маълумки, муҳтарам Президентимиз камбағалликни қисқартириш бўйича муросасиз курашни бошлаган вақтда 7,5 миллион ёки жами аҳолининг 23 фоизи камбағаллик даражасида деб қайд этилган эди.

Камбағал фуқароларни кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутувчи қонунчилик асослари яратилди, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «Меҳр дафтари» каби мутлақо янги ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ишга туширилди.

Бу йўналишга сарфланаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга изчил кўпайтирилди.

Хусусан, 2020 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга 3,7 триллион сўм йўналтирилган бўлса, 2023 йилда 12,3 триллион сўм сарфланди. Сўнгги 3 йилда пенсия ва нафақалар миқдори ҳам 1,5 баравар оширилди.

Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун 35 триллион сўмлик арзон кредит ва 7 триллион сўм субсидия ажратилди, 260 минг гектар ер 800 минг аҳолига даромад топиши учун тарқатилди.

Ўтган даврда аҳолимиз сони 3,7 миллион нафарга кўпайиши билан бирга, камбағалликни белгилаш чегараси ҳам 1,5 каррага кўтарилди.

Самарали ва адолатли ижтимоий сиёсат ҳамда манзилли ва аниқ чора-тадбирлар кўрилиши натижасида шу қисқа фурсатда 3,5 миллион аҳоли етарли даражада даромадли бўлди ва 2023 йил якуни билан камбағаллик даражасининг 11 фоизга тушишига эришилди.

Бу кўрсаткичлар Янги Ўзбекистоннинг бош шiori қилиб «Инсон қадри учун!» деган халқчил тамойил белгилангани, аҳолининг ҳаётини эркин ва фаровон қилиш, одамларни шу азиз юрт равнақи йўлида сафарбар этишдек улғуниятни халқимиз нечоғли хайрихоҳлик ва ҳамжиҳатлик билан қарши олаётганининг яққол далолатидир.

Азиз ҳамюртлар!

Куни кеча Ўзбекистон Президенти камбағалликни қисқартириш масаласини яна бир бор ўта жиддий тарзда кун тартибига олиб чиқди. Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг энг муҳим масаласи бўлиб қолиши белгиланди.

Бу тарихий қарордир!

Бундан буён аҳоли даромадларини оширишдек эзгу мақсад давлат ҳокимияти органлари масъулларининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Биз бугун Янги Ўзбекистон халқига муружоат қилар эканмиз, шундай саволларни ўртага қўймоқчимиз:

Камбағаллик нима? У қандай пайдо бўлади ва унинг сабаблари нимада? Камбағалликни қандай қилиб енга оламиз?

Камбағаллик фақат қонунлар ва фармонлар чиқариш билан эмас, балки жамиятнинг умуммиллий сафарбарлиги, бирлиги, шундай истак ва интилиш билан яшаш ҳисобига камади.

Бундай фалсафий саволдан мақсад шуки, биз токи одамларнинг дунёқарашини, ҳаётга муносабатини тўғри шакллантира олма эканмиз, демак, аждодларимизга хос бўлмаган боқимандалик, ўзибўларчилик каби иллатлар бизни узоқ йиллар камбағалликда ушлаб тураверади.

Ўтган йиллар давомида камбағалликни қисқартиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам чуқур таҳлил қилинди. Булар орасида барчамизнинг кўз ўнгимизда кенг оммалашаётган, халқимизнинг азалий урф-одатларига ёт бўлган дабдабазлик, исрофгарчиликлар, кимўзарга тўй-маъракалар ўтказиш, ҳашаматли иморатлар

солиш кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Мамлакатимиз аҳолисининг жадал суръатларда кўпаяётгани қанчалар қувонарли бўлса, навқирон авлодни ўқитиш, фарзандларни билимли, ҳаётга тайёр қилиб вояга етказишдек улкан вазифалар ҳам олдимизда кўндаланг турибдики, миллатнинг эртасини ўйлайдиган халқ бу масалаларни чуқур мулоҳаза, ўзаро елкадошлик ва ҳамжиҳатлик билангина ҳал қила олишини барчамиз теран англайдиган вақт келди.

Шундай экан, муҳтарам Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган ҳар бир масала ортида инсон тақдирининг эртанги кунини, оила фаровонлигини ва пировард оқибатда юрт тинчлигини, ҳалоллик, адолат устуворлигини ва жиноятчиликнинг камайиши тургани айна ҳақиқатдир.

Шундай экан, жамиятда ҳеч бир киши бу ишда бефарқ қараб туришга ҳақли эмас, деб ўйлаймиз! Ҳар бир маҳалла фаоли, мактаблар ва йил таълим соҳаси мутасаддилари ўз фаолиятини адолат нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз барча юртдошларимиз – тадбиркорлар, зиёлилар, касаба уюшмалари фаоллари ва нурунийлар, олимлар, ўқитувчи ва устозларни, ижодкор зиёлиларни ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳар томонлама – нафақат моддий, балки маънавий, руҳий елкадош бўлишга чақирамиз.

Биз бу йўлда тадбиркорлар, ишбилармонларнинг ҳар бир қўшган ҳиссасига давлатнинг алоҳида эътибори, имтиёзлари тизими шакллантирилганини, камбағалликда яшаётганларга берилган ҳар қайси кўмакнинг ҳисобда эканини алоҳида таъкидлаган ҳолда, аслида ҳар бир инсон ўз ҳамюртининг биродари ва дўсти, опаси ва акасидек яқин бўлишини англашнинг айна фурсати келганини таъкидлашни истар эдик.

**Камбағаллик кулфатдир, у бир одамнинг эмас, жамиятнинг, халқнинг камчилиги, хатоси, эътиборсизлиги, лоқайдлиги ҳосиласидир ва унга қарши кураш барчамизнинг бурчимиз,** деган қарашни ҳар бир инсон қалбига сингдиришни мақсад қилиб олишимиз зарур.

Чунки камбағалликда яшаш инсонни ҳаётдан совитади, унинг эртанги кунга умидини сўндиради, уни бефарқ ва мақсадсиз одамга айлантиради.

Бинобарин, бу муаммони бартараф этиш жамиятнинг барча аъзосига дахлдор масаладир.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами ва натижалар қанчалик залворли бўлмасин, Давлатимиз раҳбари бу борада бутун халқимизга чақириқ билан чиқмоқда.

Президентимиз камбағалликни қисқартиришга умуммиллий ҳаракатга айлантириш ташаббусини илгари сурмоқда.

Бу масала бўйича махсус «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури ишлаб чиқилмоқда.

Халқимиз сайлаган ҳар бир депутат, ҳукумат аъзоси, жойлардаги ҳокимдан тортиб, то маҳалла еттиликка қадар бўлган масъуллар билан олсинки, Давлатимиз раҳбари томонидан уларнинг фаолияти фақат ва фақат аҳолига яраётган шароитлар, жойлардаги оддий халқнинг фаровонлиги билан баҳоланади.

Қадри ватандошлар!

Биз шу азиз юртни чин қалбдан севадиган ҳар бир инсонни шу муқаддас ғоя, олижаноб ташаббус атрофида бирлашишга чақирамиз.

Жамиятимизда йиллар давомида чуқур илдиз олган камбағаллик «касалиги»ни даволашда, келгуси бир йилда камбағаллик даражасини сезиларли равишда туширишда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, Давлатимиз раҳбари атрофида бирлашайлик!

Энг аввало, камбағалликка тушиб қолган ҳар бир инсонга муносабатимизни ўзгартирайлик!

Бундай инсонларни бегона эмас, ўз биродаримиз, фарзандимиз қатори ардоқлайлик, уларга шу муқаддас Ватанга бўлган муҳаббат ҳиссини тарғиб қилайлик, имконимиз борича уларни муносиб яшаш учун рағбатлантирайлик, уларга ҳар жиҳатдан ёрдамлашайлик!

Жамиятимизда камбағалликни кескин камайтириш бўйича муҳтарам Президентимизнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, биз – касаба уюшмалари фаоллари ва республика нурунийлари қуйидаги вазифаларни амалга оширишни белгилаб олмоқдамиз:

**Биринчидан,** маҳалла еттилиги билан ҳамкорликда хонадонбай юриб, оила аъзоларининг биронтаси даромадли иш билан банд бўлмаган ёки оила боқувчиси ягона бўлгани сабабли оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларнинг рўйхатини тузиш;

**Иккинчидан,** ҳар бир туман ва шаҳарда 10 тадан эҳтиёжманд оилани камбағалликдан чиқариш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, хусусан, уларнинг соғлигини тиклаш ва ўқитишдан тортиб, доимий даромадга эга бўлишига қадар кўмаклашиб бориш;

**Учинчидан,** кам таъминланган аҳолини кооперацияларга жалб қилиш, тадбиркорликка ва касбга ўргатиш, иш ўрни яратувчи тадбиркорлар билан ҳамкорлик ўрнатиш орқали ҳар йили 5 мингга янги иш ўрни яратиш;

**Тўртинчидан,** меҳнат қилиб даромадли бўлиш истагини билдирган ёшларни касбга ўргатиш, камида 5 миллион сўм даромад қиладиган иш билан банд қилиш чораларини кўриш;

**Бешинчидан,** ишлашга иштиёқ бўлган, имкониёти чекланган аҳоли вакилларининг 5 минг нафарига ногиронлик аравачаси ва бошқа реабилитация воситалари бериб, касалликларини даволашга кўмаклашиш, уларни даромадли касбларга ўргатиш ва камбағалликдан чиқариш;

**Олтинчидан,** бир йилда 5 минг нафар ногиронлиги бўлган болани реабилитация марказларида даволашда кўмаклашиш;

**Еттинчидан,** эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли йигит ва қизлари мамлакатимиз ва хорижий университетларга грант қўлга киритиши учун ёрдам бериш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида ҳар йили 100 нафар эҳтиёжманд фуқаронинг фарзандини ўқитиб, уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш;

**Саккинчидан,** кам таъминланган оилаларнинг 4 минг нафар фарзандини болалар оромгоҳларида бепул соғломлаштириш;

**Тўққизинчидан,** кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзандини сув спорти мажмуаларида бепул соғломлаштириш;

**Ўнинчидан,** 1 минг нафар эҳтиёжманд фуқаро ва 1,5 минг нафар ёлғиз нурунийни тизимдаги санаторийларда бепул соғломлаштириш;

**Ўн биринчидан,** 10,5 минг нафар нурунийнинг саломатлигини тиклаш учун спорт комплексларига абонемент харажатларини қоплаб бериш;

**Ўн иккинчидан,** ҳар йили Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат fronti фахрийлари, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалардан 37 минг нафарининг ҳолидан хабар олиш, уй-жой шароитларини яхшилаш;

**Ўн учинчидан,** нуруний ва эҳтиёжманд 200 минг нафар фуқарони юртимизнинг сўлим гўшаларида дам олишларини ташкиллаштириб, шу ерда уларга тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш бўйича мотивацион семинарлар ташкиллаштириш.

Ҳурматли ватандошлар!

Бу эзгу йўлда қайси касбу кор эгаси, қайси миллат ва элат фарзанди бўлмасин, ҳеч ким четда қолмаслиги керак!

Шу мақсадда барчамиз бирлашиб, юртимизни обод ва фаровон мамлакатга айлантирайлик!

Зеро, «Биз бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – Ватанмиз!»

# Ҳаракат ҳам яхши ниятга ярашамиз?..

## Ёхуд Андижон вилояти таълим тизимидаги муаммоларга бир назар



Мулоҳаза

Ёзинг сўнгги кунларида юртимиз бўйлаб ўтказилган навбатдаги Устозлар миллий форумида андижонлик ўқитувчи ва мураббийлар ҳам фаол қатнашдилар. Машваратларда янги ўқув йилига мўлжалланган режалар пиширилди, амалга оширилажак ишлар юзасидан фикрлар алмашилди. Таълим сифатини кўтаришга хизмат қиладиган муҳим тақдир ва тавсияларнинг бирортаси ҳам муҳокамадан четда қолмади.

Шубҳасиз, тизимдаги бугунги ҳолат фақат мутасаддилар ва устозларни ўйлантираётгани йўқ. Уч-тўрт нафар зиёлининг боши қовушган давраларда ҳам суҳбат мавзуси ўқувчиларнинг билим даражасига тақалиб, битирувчиларнинг тест синовларида олган баҳоқларига боғлиқ умумий натижа мактабига арзиғулик эмаслиги афсус-ла тилга олинаётган. Вилоят ҳокими Шухрат Абдурахмонов эса йиллардаги ҳар икки гапнинг бирида соҳа масъулларига: «Вазият яхшиланиши учун нима қилиб берай? Муаммоларни айтинлар!» дея мурожаат қилаётган. Шу йил кўламли Пахтаобод туманидаги 45-мактаб ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари билан бўлган мулоқотда эса жамоа учун Самарқанд ва Бухоро шахрига саёҳат ташкиллаштириб беришни илтимос қилган ўқитувчига битирувчиларнинг 70 фоизи олий ўқув юртига ўқишга кирган кунли устозларнинг барчасини Туркияга юборишга ваъда берди ҳатто.

Соҳага беътибор бўлмаганларнинг куюнишлари бежиз эмас, албатта. Ешлар олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида тўплаётган балларнинг умумий кўрсаткичлари худудлар кесимида таққосланганда, Андижон вилояти бир неча йиллардан буён қўйи поғоналарни банд этиб келяпти. Масалан, жорий йилда 59 минг 951 нафар андижонлик абитуриентнинг 51,4 фоизи ўқиш баллининг энг қўйи чегараси бўлган 56,7 баллига ҳам тўплай олмади. Бу улари 30 минг 796 нафари фанларни «2» баҳога ҳам билмайди, деганидир. Давомини суриштирсангиз, аввалги йиллардаги аҳвол ҳам охириг натижалардан беҳроқ эмас. Ана энди умумий вазият нақадар жиддий эканлигини хис этаётгандирсиз.

Айни жиҳатлардан келиб чиқиб, вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси янги ўқув йилида кўрсаткичларни кўтаришга астойдил бел боғлади. Янги Андижон шаҳарчасида барпо этилган янги мактаб очилгани муносабати билан вилоят раҳбарияти, таълим мутасаддилари, юзлаб мактаб директорлари ҳам бўлган катта давралда юқоридаги ният-режаларнинг айрим-айрим тилга кўчди. Жумладан, навқирон директорлардан бири 2025 йилда битирувчиларнинг ўқишга кириш кўрсаткичлари борасида

**СУЯГИ АЙНИ СОҲАДА ҚОТГАН, ЖОНҚУЯР ВА БОЙ ТАЖРИБАГА ЭГА МУАЛЛИМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТЛАР ҚОҒИ «КЕЙИНГИ ҲАҚИДА СУЗ ИЛДДА МАКТАБИМИЗГА ҚАДАМ ҚўЙГАН БОШҚАРМА БОШИҚЛАРИ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БўЛИМИ МУДИРЛАРИ ОРАСИДА ДАРСЛАРНИНГ СИФАТИ ҲАҚИДА СУЗ ЮРИТГАНИНИ ДЕЯРЛИ КўРМАДИК» МАЪМУНИДАГИ ГАПЛАР ҚУЛОҚКА ТЕЗ-ТЕЗ ЧАЛИНЯПТИ. ЗЕРО, БИЛИМ МАСКАНИГА КЕЛГАН АМАЛДОРЛАР АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ОБОДОНЧИЛИК ИШЛАРИГА, БИНОНИНГ ТАШҚИ ҚИСМИ, ЙўЛАК ЭКИ ХОНАЛАРНИНГ ТУРЛИ ШИОРЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛИШИГА ҚАРАТИШАДИ.**

нинг турли хорижий услублари кириб келди. Аввалки Финляндия тажрибасини байроқ қилдик, энди Сингапур таълим муассасаларига хос услубларга эътибор қаратилмоқда. Кимлардир Британия тизими маъқул, деган фикрни ҳам илгари сурмоқда. Яна бир гуруҳ дунё кўрган мутахассислар эса «Ўқитишда японларга тенг келадигани йўқ, уллардан ўргансақ, яхши бўлади», дейишмоқда.

Майли, таълим тизимида қанақа яхши тажрибалар бўлса, барчасини ўзлаштирайлик, болаларга ўзга мамлакатлардагидек билим ва кўникма берайлик, илло, бошқа жиҳатларини, жумладан, барча урф-одатлари ва қадриятларини яқинлаштирайлик. Шундан бўлса керак, яқинда ўтказилган миллий форум доирасида 2024-2025 ўқув йили Андижонда «Ўқувчи-ёшларга миллий қадрият руҳида замонавий таълим бериш йили» деб эълон қилинди.

Гап миллат болаларининг билимдонлиги ва саводхонлиги хусусида борар экан, кўп йиллик тажрибага эга устозлар Андижонда ўқувчилар аниқ ва гуманитар фанларни яхши ўзлаштиришлари учун, аввало, улларнинг билим ва кўникмаларини, дарс ўтишининг илғор усулларидан хабардорлиги даражасини ошириш бош масала бўлиши керак, деган фикрни бот-бот ўқитиришди. Чиндан-да шундай. Эътибор берган бўлсангиз, бугун юқори синф ўқувчилари ҳамда кейинги икки-уч йил ичида мактабни битирган ёшлар орасида хо-

рижий тилларни ўрганиб, махсус сертификатни кўлга киритганлари кўпаймоқда. Бу қувончли ҳол, албатта. Бироқ инглиз ёки немис тилини яхши ўзлаштирган йигит-қизлардан кўпчилигининг адабиёт, тарих, математика, кимё, физика каби фанлар бўйича билимлари қониқарли эмас.

Ҳолбуки, бугунги ўқувчи хорижий тилда яхши гаплаша олгани билан асосий фанлар билмас, эртага бирор касб бўйича яхши мутахассис бўлолмайди. Юрт учун эса моҳир шифокорлар, профессионал дастурчилар, замонавий муҳандислар, сирасини айтганда, барча йўналишларда ўз касбининг фидоиси ва билимдония бўлган ёш кадрлар суву ҳаводек зарур. Шу боис янги ўқув йилида Андижонда ҳам «STEM» таълим тизимида хос тажрибаларни амалиётга таътиб этишга эътибор қаратила бошланди. Бу технология, муҳандислик, математика каби фанларни яқин тарзда ўқитишда қўл келмоқда.

### НАТИЖАЛАР БИРИНЧИ РАҲБАРЛАРГА НЕЧОГЛИК БОГЛИК?

Ҳар қандай соҳа ёки ташкилотнинг нуфузи ва даражаси, аввало, раҳбарларнинг дунёқараши ва савиясидан келиб чиқиб шаклланади. Модомки шундай экан, кейинги йилларда Андижонда халқ таълими тизимида юзага келаятган салбий кўрсаткичлар бевосита бошқарма бошлигининг, қолаверса, қўйи раҳбарларнинг иш тутумига тўғри қаратилган бўлиши керак. Ахир мамлакатда таълим дастурлари битта, пойтахтдаги ва энг чекка қишлоқдаги мактабда ҳам дарсликлар бир хил, аммо умумий натижалар ўзaro кескин фарқ қилади. Нега энди Андижон вилоятидаги самардорликни олиб Бухоронинг ёки шундоқкина қўшни Фарғона вилоятининг кўрсаткичлари билан тенглаштириб бўлмайди? Демак, натижа барибир тизимни ҳаракатга келтирадиган шахсларга, хусусан, масъулларга боғлиқ бўлиб қолмаяптими?

Суяги айни соҳада қотган, жонқуяр ва бой тажрибага эга муаллимлар билан мулоқотлар қоғи «Кейинги ўн йилда мактабимизга қадам қўйган бошқарма бошлиқлари ва халқ таълими бўлими мудирлари орасида дарсларнинг сифати ҳақида суз юритганини деярли кўрмадик» маъмунидаги гаплар қулоққа тез-тез чалинапти. Зеро, билим масканига келган амалдорлар асосий эътиборни ободончилик ишларига, бинонинг ташқи қисми, йўлак ёки хоналарнинг турли ширлар билан безатишига қаратишади.

Яна бир фикр. Сўнгги 15 йил мобайнида вилоятда таълим бошқармаси бошлиғи етти марта алмашди. Директорлар билан бўлган очиқ йиғилишларнинг кўпчилигида мен ҳам хизмат юзасидан қатнашганман. Кузатишимча, бу раҳбарлардан аксариятининг мактаб етакчилари ва ўринбосарлари билан учрашувлари зиёли инсоннинг мулоқотига мунтақў хўшамайди. Қуйи тизимдагилар билан юракдан, ҳурматиини жойига қўйиб гаплашиш йўқ. Нуқул дўқ-пўнса, бақир-чақир. Бири директорни «шакал» деб сўқадими-ей, бошқаси танбех бераётган одамни кўрсат-

кич бармоғини бигиз қилиб, кўзига тикиб олғудай бўладими-ей?!

Бу гапларимда заррача муболага йўқ, ишонинг. Бошқармага сўнгги пайтларда раҳбар этиб тайинланган ва инсонга инсондай муомала қилишга интиляётган кишиларнинг фаолияти эса бир йилга ҳам бориб-бормаётган. Энг ачинарлиси ва хатарлиси шунки, таълим соҳасининг иш тутуми «қўрқитиш сийёсати»га асосланган раҳбарлари давридаги бундай муносабат аста-секин мактабларга ҳам кириб бориши ва оддий ҳолга айланиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Хозирданок сезаилмики, директорларнинг кўпчилиги ўқитувчилар билан кўпол муомалада бўлишга ўрганиб қолмамоқда. Чунки игна қаёққа юрса, ип ҳам шу ёққа юради-да. Қадрини билган педагог эса устозлар ҳурмати жойига қўйилмайдиган муҳитдан ўзини четга олади.

### БИР СИНАЛГАН ТАЖРИБА ЕТТИ КИТОБДАН АФЗАЛ

Адолат юзасидан айтиш керак, ҳар қандай раҳбар фаолиятининг ҳам яхши жиҳатлари бўлади. Бироқ кейинги вақтларда янги тайинланган бошлиқ ўзидан аввалги етакчининг барчага бирдай маъқул бўлган тажрибасини неғадир давом эттиргиси келмайди. Мисол учун, бундан тўрт йилча бурун Халқ таълими бошқармасига Азизбек Миркомиллов раҳбарлик қилган кезларда вилоятдаги мактаб ўқувчилари ўртасида андижонлик таниқли олимлар номига олимпиадалар ташкил этиш анъанавий йўлга қўйилганди. Жумладан, физика-математика фанлари доктори, академик Сирожиддин Зайнобиддинов, Ўзбекистон Қаҳрамони, кимё фани бўйича ўқув дарсликлари муаллифи Камолиддин Гопиров, кимё фанлари доктори, профессор Иброҳимжон Аскарлов шарафига, шунингдек, марҳум академик Тошмухаммад Саримов ҳотирасига бағишланган фан олимпиадалари талай ёшларда қизиқиб ўйотганди. Беллашувлар голиблари ва фаол қатнашчиларининг пул муқофотлари билан тақдирланиши ўз йўлига, аммо билимлар баҳси якунида ўша устозлар иштирокида очик дарслар ўтказилиши ўқитувчиларга ҳам ўз устида ишлашлари учун рағбат бераётганди.

Ажабки, Азизбек Миркомилловдан кейинги бошқарма бошлиғи даврида ўша яхши анъана унутилди. Аслида бу янгилик тадбирлар ички давом эттирилса, бора-бора таълим сифатини оширишга хизмат қилиши аниқ эди. Бинобарин, «Бир синалган тажриба етти китобдан афзал» деган қиммат бежиз яратилмаган.

### ҲАР КАМНИНГ ИШИ ЭМАС УЛОҚ УЛАМОК...

Бизнингча, вилоятда шаклланган ғалати бир таомил ҳам муайян маънода таълим тизимида сусткашлик юзага келишига сабабчи бўлмоқда. Айтилик, қайсидир туман ҳокими ишдан олинса кўп ҳолларда бу вазифани вақтинча бажариш ўринбосарлардан бирининг эмас, балки вилоят микёсидаги бирор ташкилот раҳбари зиммасига юклатилади. Бу жараёндан таълим бошқармаси ҳам бегона эмас. Чунончи, 2019 йилда Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Фуқрат Бузруклов маълум муддат бир вақтнинг ўзида ҳам ўз ташкилотига, ҳам туман ҳокимлигига масъул бўлганини жамоатчилик яхши билади.

Ёки дейлик, 2024 йил 6 сентябрда вилоят ҳокимининг иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий ва энергетика соҳаси объектлари, маҳаллалардаги яқка тартибдаги ҳамда кўп квартирали уй-жой фондини 2024-2025 йиллардаги куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар бўйича долзарб муаммоларни ҳал этиш ишларини кучайтиришга доир фармойиши эълон қилинди. Унга кўра, унлаб ташкилотлар раҳбарлари қатори вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Ўткир Шукуров ҳам вилоят ишчи гуруҳи таркибига кириштирилди ва Хўжаобод туманига бириктирилди. Аниқроғи, ҳозир у ишчи гуруҳнинг бошқа аъзолари каби юқорида тилга олинган ҳужжатда қайд этилган етти банддан иборат вазифаларни бажаришга масъул. Энди ўзининг йўлаб кўринг, то кўламангача бошқарма бошлиғининг бир оғи Хўжаободда бўлса, таълим етакчиси сифатида тизимни қай даражада назорат қила олади? Эплайди ҳам дейлик, ишида сифат бўладими?

Афсус, бундай ҳолатлар мактабларда ҳам турли кўринишларда кўзга ташланмоқда. Масалан, шу йил баҳорда вилоятда оилаларда асаларчилик, паррандачилик, қўзқорин етиштириш каби қўшимча даромад йўналишларини кучайтириш юмушлари кун тартибига қўйилди.

Масалани нотўғри тушуниш ва талқин қилиш оқибатида ушбу ташаббуснинг бир учи мактабларга ҳам кириб келди. Директорларнинг аксарияти топшириқни бажармай, раҳбарлар газабига учрамаслик учун мактаб худудида қўзқорин етиштириш ёки асалари боқини йўлга қўйиш тараддуғида тушишди. Ҳатто қуён катагига маблағ тополмай, унинг сарфини ўқитувчиларга тақсимлашга мажбур бўлган директорлардан бирининг ижтимоий тармоқдаги ёзишмалари тарқаб, жиддий муҳокамага сабаб бўлди.

Бу иддаоларда заррача муболага йўқ. Шундан бўлса керак, бундан 4-5 ой муқаддам Андижон туманидаги 45-мактабда қўзқорин етиштирилаётгани ҳақидаги хабар маҳаллий ҳокимликнинг ижтимоий тармоқдаги расмий каналда ҳам эълон қилинди.

Вилоят таълим тизимида ва унинг теваарига рўй бераётган воқеаларга назар ташлаш асноси хаёлимизда қуйидаги саволлар чарх ура болади: ҳиш, биз ҳар қайси соҳаларга ўзгаришлар ҳар қим ўз вазифасини рисоладагидек бажарган тақдирдагина рўй беришини қачон теран англаб етамиз? Муман олганда, Андижонни энг яхши бешта худуд қаторига олиб қисса бўладими?

Албатта, бўлади! Бунинг учун бошқарма раҳбарияти ҳам, қуйи бўгин етакчилари ҳам бошқа масалаларни четга суриб, фақатгина тизимдаги сифат учун курашишлари керак, тамом-вассалом!

Нурилло НЎЪМОНОВ  
«ISHONCH»

### Тарихнинг сирли саҳифалари

# КУСТОНИНГ ИККИНЧИ КАСБИ

**Бугунги кунгача франциялик машҳур океанограф Жак Ив Кустонинг Америка разведкасига ишлагани тўғрисидаги савол кўпчиликини қизиқтириб келади. Югославия Федератив Социалистик Республикаси (ЮФСР) ҳам бу жумбоқ жавобини топшига анча уринган. Югославиялик собиқ аксилразведкачи Драгомир Иованович ўз мемуарида бу ҳақда ёзган.**

**КУБА МОЖАРОСИ БИЛАН БОГЛИК ҚИЗИҚ ҲИКОЯ БОР. 1959 ЙИЛГИ ИНКИЛОБДАН Кейин АМЕРИКА МАХСУС ХИЗМАТЛАРИ ФИДЕЛЬ КАСТРОНИ ўлдиршга қасд қиладилар. РЕЖАГА КўРА, СУВ ОСТИДАН ДАВЛАТ РАҲБАРНИНГ СОҲИЛ БўЙИДАГИ ВИЛЛАСИГА ЕТИБ БОРИШ МўЛЖАЛЛАНАДИ. КУСТО УЗОҚ ЙўЛАБ ўТИРМАЙ, БУ ТОПШИРҚНИ БАЖАРИШДАН БОШ ТОРТАДИ, АММО БУ АМАЛИЁТДА ўЗ МАСЛАХАТЛАРИ БИЛАН ҚАТНАШИШГА РОЗИЛИК БЕРАДИ.**

сан Италиянинг Палермо портида амалга оширилган террор амалиётига бош-қош бўлган.

Урушдан кейин ҳам Кустонинг тадқиқотлар ўтказишга қизиқиси сунмайди, аммо бу ишларни амалга ошириш учун етарли маблағи йўқ эди. Иовановичнинг таъкидлашича, унга АҚШ Ҳарбий денгиз-флотигади таниш разведкачилар ёрдамга келишади. Кўп ўтмай замонасининг олди бўлган махсус «Калипсо-1» кемаси яратилади. Шунинг баробарида Кустонинг Швейцариядаги банк ҳисоб-рақамига аввалга 100, кейин эса 50 миллион доллар тушириб берилди.

Океанографнинг АҚШ ёки НАТОнинг бошқа мамлакатлари разведкасига ишлагани тўғрисидаги маълумот ҳамон сир бўлиб қолмоқда. Бироқ, гувоҳларнинг тасдиқлашича, Кустонинг кемасида доим низоҳатда кўплаб турли-туман мураккаб ускуналар жойлашган, бундан фақатгина тор доира одамларининг хабари бўлган. Кустонинг бундай ҳамкорликка бургани тахмин қилинса, у ён-атрофидаги сувости кемаларининг ҳаракатланиши, техник хусусиятларидан хабардор бўлганини англаш мумкин. Бундан ташқари, денгиз чуқурлигида ядро чиқиндилари кўзилган жойлар ҳамда ерости бойликлари қидируви билан ҳам шуғулланганини фарз қилиш мумкин.

Дарвоқе, Кусто Беринг бўғозини АҚШ манфатларига хизмат қилдиришга кўмак беради. 1986 йил кузида «Калипсо-2» кемаси бу маконга яқинлашиб, экипаж сув остида тадқиқот ишларини бошлаб юборади. Бўғознинг манашу тор йўлагидан АҚШнинг сувости атом кемалари эркин ҳаракатланиши Москванинг ғашига тегаятган эди. Давлат хавфсизлик хизмати зудлик билан бўғозни ёпиш режасини ишлаб чиқади. Мазкур воқеадан бироз ўтиб, матбуотда француз геологлари



Аброр ХОН

